Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 225 (6. 416) ◉ 1987 йил 3 октябрь, шанба ◉ Баҳоси 3 тийин

УКРАИНА ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ • 1987 • ОКТЯБРЬ

ҚАРДОШЛИК ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Бугун Тошкентдаги В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида Ўзбекистон ССРда Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари тантанали равишда очилди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул

2 октябрь куни Украина ССР делегацияси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилиниди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев меҳмонларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан самимий табриклади.

Украинада Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари ўтказилганига уч ой бўлди, деди у. Ана шу кунларда КПСС ленинча миллий сиёсати тантанасининг, СССР халқлари бузилмас дўстлигининг яна бир ёрқин намоёнига айланди. Республикамиз маданияти арбобларининг украин диёрида шодиёна қабул қилиниб, зўр эътибор ва самимий ҳамхўрлик билан қуршаб олинганликларини биз ҳеч қачон унутмаймиз.

Мамлакатимиз халқлари ўртасининг новаторлик йўлини изчиллик билан ўзлаштирмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Мурманск шаҳрига Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медалини топширишга бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида қайта қуришнинг бориши ҳар томонлама таърифланиб, партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг биринчи навбатдаги вазифалари белгилаб берилган. Вазифа барча биродар республикалар халқининг иқтисодий ва маънавий тараққиётини, умуммиллий маданиятга қўшадиган ҳиссаси уларнинг қўлидан келадиган имкониятларига мувофиқ бўлишидан иборатдир.

Қардош совет халқларининг, шу жумладан, украин ва ўзбек халқларининг бутун умр дўстлиги ҳамда бирлиги йил сайин, кун сайин қудратга мустаҳкамланиб янги ғалабалар билан бойиб бормоқда. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ана шу дўстликни бошлаб берган эди. Биз ҳаммамиз яқинда ана шу революциянинг етмиш йиллигини тантанали нишонлаймиз.

Ўзбекистон меҳнаткашлари шуни доимо ёдда тутишадики, унинг иқтисодиёти ва маданиятини жадал ривожлантиришда мамлакат яхлит халқ хўжалик комплекси системасида иттифоқдош республикаларнинг интеграциялашуви, Советлар мамлакати халқларининг тарихий алоқалари ҳамиша белгиловчи ўрин олиб келди. Дастлабки беш йилликлар даврида Ўзбекистон енгил саноати объектларининг ўзидагина Украинанинг саккиз мингдан кўпроқ вакили меҳнат қилган эди. Запорожье металлургларн ўзбеклар билан бирга пўлат қуйишган, Ангрен шахтёрлари Донбассдан келган ўртоқлари билан биргаликда кўмир конларини ўзлаштиришган, харьковлик машинистлар Ўрта Осиёнинг темир йўлларидан биринчи тепловозларни бошқариб ўтишганди. ХТЗ тракторлари ўлкамиз қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда катта роль ўйнади.

Улуғ Ватан уруши йиллари — дўстлигимиз ва қардошлигимизнинг алоҳида босқичидир. Ўзбекистонда тузилган 213-ўқчи дивизияси Украина территориясида жуда зўр жанг қилди. Днепрни кечиб ўтиш чоғида ўзбекистонлик кўпгина жангчилар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Мамлакат ичкарисида ўзбеклар билан бирга руслар, украинлар, мамлакатдаги бошқа халқларнинг вакиллари ғалабага замин ҳозирладилар. Республикамиз меҳнаткашлари Днепрогэсни, Донбасс шахталарини, «Запорожьесталь» ва «Азовсталь» заводларини қайта тиклашда фаол ёрдам бердилар.

Ўзбекистондаги Мирзачўлни ўзлаштириш даврида Украинадан келган минглаб мутахассислар ишлаган эдилар. 1966 йилда зилзиладан шикастланган Тошкентга бутун мамлакат ёрдам қўлини чўзганида Украина бинокорлари бу ерда салкам 200 минг квадрат метр уй-жойни барпо этиб бердилар.

И. Б. Усмонхўжаев республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш соҳасидаги баъзи ижобий силжишлар тўғрисида, Ўзбекистон билан Украинанинг иқтисодий алоқаларини кенгайтириш ҳақида сўзлаб берди. Фарғона ТЭЦида украин машинасозлари тайёрлаган вакуум насослар, Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмасида — титан хлорид ишлаб чиқариш интенсивлаштирилгани, озиқ-овқат саноатида — Киев ва Днепропетровскдаги «Продмаш» заводларининг машина-ускуналари ишлаб турибди. Ўзбекистон Украина корхоналаридан чўян, металлургия кокси, қувурлар, минерал ўғитлар ва бошқа кўпгина маҳсулотлар олмоқда. Ўзбекистон ҳам қарздор бўлиб қолаётгани йўқ. Енгил саноат буюмлари, ип газлама ва шойи газламалар, кўн ҳом ашёси ва ундан тайёрланган буюмлар, ўсимлик ёғи ва пахта толаси, тўқимачилик машина-ускуналари Украинага кўплаб етказиб берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш ишидаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Ўзбек студентлари Львов, Донецк, Житомирдаги олий ўқув юртларида, мингдан зиёд йигит ва қиз Украина ҳунар-техника билим юртларида таълим олмоқдалар. Икки қардош республика адабиёт ва санъат арбобларининг алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлиги кишини қувонтиради.

Ҳозир Ўзбекистон далаларида пахта, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини мураккаб шароитларда ўз вақтида нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун қизғин кураш авж олдирилмоқда. Ўзбекистонда Украина ССР адабиёти ва санъати кунларининг ўтказилиши пахтакорларнинг, республика барча меҳнатчиларининг ғайратига-ғайрат қўшади, деди пировардида нотиқ.

Делегация раҳбари, Украина Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари С. И. Гуренко Совет Украинаси халқига нисбатан билдирилган ҳис-туйғулар учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига чуқур миннатдорчилик изҳор этиб, ана шу ҳис-туйғулар республика коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг қалбида яшаётганлигини қайд этиб ўтди. Бизнинг дўстлигимиз, интернационал бирлигимиз — социалистик тузум, бутун Совет давлати пойдеворидаги энг асосий тошдир. Ўзининг шонли юбилейига яқинлашиб бораётган Советлар мамлакати фахрланаётган барча ютуқлар, кўп миллатли жамиятимиз ҳозир эга бўлган жамики нарсалар СССРдаги барча миллат ва элатлар ўртасидаги қалин ҳамдўстликнинг, партия йўлини рўёбга чиқариш учун улар олиб бораётган муштарак курашнинг натижасидир.

С. И. Гуренко партия XXVII съездининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь ва июнь Пленумларининг йўл-йўриқларини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг кўп томонлама фаолияти тўғрисида сўзлаб, қардош халқлар оиласида Украина ССР эришган ютуқларни, унинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссасини таърифлаб берди, олға томон ҳаракат қилишга ҳамон халақит бераётган муаммоларга тўхталиб ўтди. Республикада, деб таъкидлади у, жадаллаштириш стратегиясини конкрет равишда моддийлаштириш учун қизғин, баъзида машаққатли кураш бормоқда. Қайта қуриш ва демократияламиз жараёни тобора чуқурлашмоқда. Бу жараён қардош республикалар, шу жумладан, Украина ва Ўзбекистон ўртасида экономика ҳамда маънавий турмуш соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш учун, партиявий, идеологик ишни тажриба билан бойитиш, ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш, халқларни интернационал руҳда тарбиялаш ва бирлаштириш учун янги имкониятлар очмоқда. Бунда қардош республикаларимиз адабиёти ва санъатининг, меҳнат коллективларининг, меҳнаткашлар кенг табақаларининг, бутун аҳолининг роли бениҳоя каттадир.

Учрашувда Украина Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Юрий Мушкетик, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Асқад Мухтор сўзга чиқдилар.

Қабул маросимида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари В. Н. Лобко, М. Ҳ. Холмуҳамедов, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими зўр самимийлик ва сидқидиллик вазиятида ўтди.



Замондошимиз

Эртага—Ўқитувчилар куни

Отахон ўқитувчи

Умрини инсон тарбиясига бағишлаган кишиларни севиб-ардоқлаб «устоз», «ўқитувчи», «мураббий», «зиёкор» каби сифатлар билан ардоқлайдилар. Ҳаким ака Умаров олтмиш йилдирки ўқитувчилик касбини шарафлаб, халқимизга сидқидилдан меҳнат қилиб келяптилар.

Ажойиб ўқитувчининг таржимаи ҳоли мухтасар айтилса ҳам унинг машаққатлари ва меҳнатлари бир олам эканини ҳис этиш мумкин.

Ҳаким Умаров 1911 йили Андижоннинг Асака қишлоғида туғилди, онасидан уч ёшда етим қолиб интернатда тарбияланди, педагогик курсида ўқиди, саводсизликни битиришда жонбозлик кўрсатди. 1931 йилда Тошкентга келиб техникумда ўқиди, ўқитувчилик қилди. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтини битирди. У олтмиш йиллик фаолиятида районо инспектори, мактабда илмий бўлим мудири, директор бўлиб ишлади. 1942 йили Коммунистик партия сафига кириб, 1943—1945 йилларда она-Ватан учун жангларда қатнашди, кейин ҳам севимли касбини қизғин давом эттирди.

Отахон ўқитувчи жангларда кўрсатган жасоратлари ва педагогик фаолияти учун партия ва ҳукуматимиз томонидан кўплаб орденлар, медаллар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотландилар, бир неча бор район, шаҳар Советларининг депутатлигига сайландилар.

Боғ меваси билан гўзал деганларидек, Ҳаким ота Умаров миниглаб шогирдлар тайёрладиларки, ўқувчи-талабаларн уни доим ҳурмат-иззат билан эъзозлашади. Коммунист ўқитувчи етмиш беш ёшга чиқиб, шахсий пенсионер бўлсалар-да, ҳозирда ҳам Октябрь районидаги 102-ўрта мактабда ёш авлодга тарих ва жамиятшуносликдан илм ўргатиб келяптилар. Онлада уч қиз, икки ўғил, кўплаб невара-чевараларнинг отахони фаровон ҳаётимизда роҳат-фароғатда яшамоқдалар.

Ҳаким ота билан суҳбатлашганимизда шундай тилак билдирдилар:

— Биз Октябрь инқилоби туфайли бахтли замон яратдик, урушни кўрдик, халқ бахт-саодати учун курашдик. Дунё тинч бўлсин, авлодимиз уруш кўрмасин, улуғ давлатимиз омон бўлсин.

Ўқитувчилар байрами кунида отахон ўқитувчига сиҳат-саломатлик, педагогик ишларига омад тиладик.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР халқ маърифи аълочиси Ҳаким ота Умаров.

Р. Шарипов фотоси.

● Ўқитувчилар кунига бағишланган бошқа материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Тонгги газеталарда

● 1 октябрь куни Мурманскда С. М. Киров номидаги маданият ва техника уйида шаҳарга Ленин ордени ҳамда «Олтин Юлдуз» медали топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлади. У СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшиттирди ва ҳозир бўлган кишиларнинг қарсаклари остида Ленин орденини ҳамда «Олтин Юлдуз» медалини шаҳар байроғига қадаб қўйди. Ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқи совет телевидениеси ҳамда «Интервидение» системаси орқали олиб кўрсатилди ва эшиттирилди.

Мазкур нутқнинг тексти бугун тонги газеталарда босилган.

● Бугун газетамизда шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаевнинг 1987 йил 2 октябрда республика телевидениеси ва радиоси орқали сўзлаган нутқи эълон қилинган.

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Муқимий номидаги республика Давлат музикали театри санъаткорлари қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишни бошлаб юборишди.

Куни-кеча театрнинг бир гуруҳ таниқли саҳна усталари пойтахт областининг Коммунистик ва Ўрта Чирчиқ районларида бўлиб, катта концерт программасини намойиш этишди. Айниқса, Ўрта Чирчиқ районининг Ленин номли колхозида бўлиб ўтган ижодий учрашув, дилрабо ашула ва рақслар пахтакорларни хушнуд этди.

Даврани кенгроқ олинг

Оқшомхон истаклари

Газета саҳифаларини биргаликда тайёрлаймиз

№ 7 (9)

Яна серқуёш республикамизда, она шаҳримиз гўзал Тошкентга ажойиб байрам ташриф буюрди. Ўзбекистон ССРда Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари тантаналн равишда бошланди. Бу — Улуғ Октябрь туфайли қардош халқлар ўртасида туғилган ва йиллар ўтган сайин тобора мустаҳкамланиб бораётган қардошлик ва биродарлик алоқаларининг яна бир ёрқин маҳсулидир.

Шу кунларда «Тошкент оқшоми» газета редакциясига сиз, азиз газетхонлардан келаётган кўпчилик хатларда ана шу икки халқ — украин ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқалари тўғрисида мақолалар бериш, украин қалам аҳлларининг ижодларидан намуналар бериш илтимос қилинади. Ана шуларни ҳисобга олиб биз газетанинг бугунги сонидаги аксарият материалларни дўстлик ва қардошлик байрамига бағишладик.

⊙ Жумладан, газетанинг биринчи ва учинчи саҳифаларида берилаётган материалларда украин шоирларининг ижодидан намуналар, украин халқи маданияти ва санъати тўғрисида ҳикоя қилувчи материалларга кенг ўрин берилган. Бир группа оқшомхонлар — ишчи Р. Бозоров, студент Б. Каримова, хизматчи Р. Номозов ва бошқаларнинг илтимосларини инобатга олиб украин шоирларидан Павло Тичина, Оксана Синатовичнинг Винграновскийларнинг шеърларини ўзбек шоирлари таржимасида эълон қилмоқдамиз. Бундан ташқари яқиндагина украин днёрида бўлиб ўтган ҳаяжонли учрашувлар тўғрисида шоир Муҳаммад Солиҳнинг «Маънавий хазина» сарлавҳали мақоласи, ана шу учрашувлардан олинган фотолавҳалар, Қрим курортларининг дурдонаси ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар ҳам оқшомхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

⊙ Эртага дастлаб ҳар биримизга ёзишни ўргатган ажойиб устозларимиз бўлмиш ўқитувчилар ўзларининг анъанавий байрамларини нишонлайдилар. Ана шу муносабат билан газетанинг иккинчи саҳифасида Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочилари Ф. Нуриддинов, Ҳ. Йўлдошев, меҳнат ветерани М. Расулеваларнинг мақолаларини эълон қилмоқдамиз. Унда Октябрь знёсини таратган ветеран педагоглар ҳақида ҳикоя қилинади.

⊙ Бир группа оқшомхонлардан Д. Ражабов, Ш. Исломов, Н. Қаландарова ўз хатларида инсоний фазилатлар тўғрисидаги материалларни қизиқиш билан ўқишларини айтиб, шу мавзуда мақола ёритишимизни сўрашган. Шифокор Абдураҳим Умаровнинг, кекса журналист Солижон Маҳкамовнинг мақолаларн ана шу газетхонларнинг илтимосига биноан ёритилмоқда.

⊙ Биз ушбу сондаги материалларни «Даврани кенгроқ олинг» деган рубрика остида ёритяпмиз. Бунинг боиси шундакн, серқуёш республикамизда бошланган Украина ССР адабиётн ва санъати кунларн ва эртага нишонланадиган ўқитувчиларнинг анъанавий байрами чнндан ҳам ҳар бир киШинн ўз даврасига чорламоқда. Шу боисдан газета саҳифаларида ёритилаётган бугунги материаллар сизнинг шанба оқшомидаги кайфиятингизни янада кўтарадн, деган умиддамиз.



«Илиллаёрим»нинг украинча талқини

Бизнинг интервью

Нина МАТВИЕНКО,

Украина ССР халқ артисти, Г. Веревки номидаги Украинада хизмат кўрсатган Давлат академик халқ хори солисти.

Бизнинг академик хор коллективимиз адабиётимиз ва санъатимиз кунларига ажойиб совға тайёрлаб келди. У ҳам бўлса ўзбек халқ қўшиқларининг ёрқин намунаси «Илиллаёрим»дир. Биз буни Украинада ўтган сизнинг адабиётингиз ва санъатингиз кунларида ҳамкасбларидан ўргангандик. Ўйлайманки бу қўшиқ украинча талқинда ўзбек тингловчиларига ғоятда манзур бўлади.

Биз маданият байрамида жуда кўп жойларда бўламиз, санъатимизни намойиш этамиз, халқларимиз қардошлиги қўшиғини баралла куйлаймиз.

Ҳозирги пайтда коллективимиз олдида бир қатор масъулиятли вазифалар турибди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллик байрамига атаб тайёрланган Украина халқ қўшиқлари дурдоналари Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмасида граммпластинка учун ёзиб олинмоқда. Бундан ташқари келгуси йили амалга ошадиган катта гастроль сафарига ҳам ҳозирлик кўраётирмиз. У Лотин Америкаси қитъасининг Бразилия, Аргентина мамлакатларини бўйлаб ўтадиган гастроль сафаридир. Ўзбекистондаги ва Лотин Америкасидаги сафаримиз биз учун яна бир катта имтиҳон бўлади.

Ҳашарчилар ҳиммати

Қишлоқ аҳлига мададкормиз

Айни кунларда боғбону соҳибкорларимиз эл дастурхонига кўпроқ маҳсулот етказиб бериш йўлида тинмай билмай меҳнат қилишаяпти. Областимизнинг қайси бир хўжалигида бўлманг, ноз-неъмат бунёдкорларига яқиндан кўмаклашаётган ҳашарчиларни учратасиз.

Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг далаларида ҳам иш қизғин. Хўжалик деҳқонлари пешона тери эвазига етиштирилган юбилей йили ҳосилини несқобул қилмай йиғиштириб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Йиғим-теримда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидан ёрдамга келган 200 ҳашарчи ҳамда Куйбишев районидаги Ҳамза номли музика билим юртининг 350 кишилик педагог ва ўқувчилари фаол иштирок этишаяпти.

Колхознинг Йўлдош Раззоқов бошлиқ 10-бригадаси даласидамиз. Бу ерда мазкур билим юрти ўқувчилари узум теришяпти. Улар кунига 25-30 тонна маҳсулот топшириб, ҳашарчилар ўртасида беллашувда пешқадамлик қилишаяпти. Натижада бригада аъзолари хўжаликда биринчи бўлиб йиллик планни оширнб адо этдилар.

Педагоглардан Виктор Цзян, Миржамол Бойметов, Файзулла Ҳолмуҳамедов, талабалардан Гулжон Аҳмедова, Дилшод Обидхўжаев, Алишер Аҳмедов, Фаҳриддин Қувватов, Альбина Муротовалар кунлик нормаларни 1,5—2 ҳиссадан адо этиб, барчага намуна бўлмоқдалар.

— Хўжалигимиз далаларида етиштирилган ноз-неъматларни нес-нобуд қилмай саранжомлаб олишда шаҳарлик ҳашарчилар яқиндан ёрдам беришаяпти, — дейди колхоз раиси Ходимат ака Қуронбоев. — Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда авиасозлар шаҳарчасидаги фирмали магазинга Киров район улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли мева-сабзавот дўконларига кўплаб маҳсулот етказиб беришга муваффақ бўлаяпмиз.

Колхознинг боғ ва сабзавот пайкалларида иш қизғин. Миришкор деҳқонлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган ҳашарчилар ҳамшаҳарларимиз дастурхони тўкин бўлишига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

СУРАТЛАРДА: колхоз партия ташкилотининг секретари Меҳрибон Тожиева бригада бошлиғи Йўлдош Раззоқов билан ўқувчилар терган ҳосил сифатини кўздан кечирмоқда; ҳашарчилар далада; бригада бошлиғи Ойдин Файзиева, колхозчилардан Сабоҳат Толипова, Мунира Файзиева, Шоҳида Умаровалар ўзлари етиштирган помидорни шаҳарликларга жўнатиш олдидан.

М. Нуриддинов фотолари.









Улар биринчи эди

ЗИЁ ТАРАТУВЧИ

Яқинда Собир Раҳимов районидаги «Намуна» проездининг 22-уйида истиқомат қилувчи Иброҳим ота Тоҳиров билан учрашиб қолдим. Нуроний чеҳрасидан нур ёғилиб турган 90 ёшли бу табаррук отахон инқилоб туфайли юзага келган халқ маорифини юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган устоз мураббийларнинг бири эди. У билан суҳбатимиз халқ маорифининг туғилиши, саводсизликни тугатиш ва эскилик сарқитларига қарши кураш мавзуидаги бир қанча бой хотиралар билан қизиқарли ўтди. Отахоннинг архивида сақланган турли эсдалик суратлари ҳам унинг халқ маорифини ривожлантиришга қўшган ҳиссасидан далолат бериб туради. Шонли 70 йил мобайнида саводсизликка қарши курашган жанговар жангчи ҳали ҳам бардам, хотираси бақувват, фикрлари тиниқ. Иброҳим ота Тоҳиров мисолида ўзбек совет ўқитувчиларига берилган қувонч, бахт ҳақида бой таассуротларга эга бўлдик.

У ҳам оддий оиланинг фарзанди эди. Бошқалардек чор-ночор кун кечириш унинг ҳам қисматига битилганди. Бироқ шунга қарамай. Иброҳимнинг ота-онаси мактабга беришди. Авваллари масжидга қатнаб, муллалар қўлида жабр-зулм кўрган ёш ўспиринга рус тузем мактабининг афзалликлари манзур бўлиб қолди. Бу мактаб эски шаҳарнинг Лангар кўчасида очилганди. Рус ўқитувчиларининг меҳрибончилиги, имкони борича ёшлар қалбига илм-маърифат нурларини сочиши Иброҳимга маъқул келди. У дарс давомида олган билимини уйга келиб мустаҳкамлаш учун хира чироқ нурида кечалари билан мутолаа қилиб чиқар, ўқишдан сира чарчамасди. Бунинг эвазига у ёки бу асарда битилган воқеаларнинг ғоявий мазмунини тўла-тўкис тушуниб оладиган даражага етди. Инқилоб йилларида ёш тарғиботчи-ташвиқотчиларнинг бирига айланди. Янги ҳаётнинг афзалликларини чор-атрофидаги, маҳалладаги болаларга етказиб, уларни эски мактабни ташлаб, рус-тузем мактабига киришга даъват этди.

Унинг ўша йиллардан бошлаб йиққан эсдалик суратлари ҳалигача сақланиб келмоқда. Уларда Улуғ Октябрнинг шарофати билан шаҳарда қарор топган янги ўзгаришлар, чинакам ҳаёт манзаралари, Иброҳим ота Тоҳировнинг биринчи ўзбек совет зиёлиси сифатида амалга оширган ишлари кўриниб турибди. Айниқса, Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактабнинг илк ташкил этилган даврида тушилган сурат тарихий воқеаларга бойдир. Унда «6-Чиғатой» мактабининг ташкилотчиларидан бири, мактабнинг 1-илмий мудири Иброҳим Тоҳиров бор. Иброҳим ота ўтган йиллар мобайнида ёшларни тарбиялашдек масъулиятли ишни сидқидилдан адо этди. Биринчи муаллим сифатида катта ташкилотчилик ишларини олиб борди. Айни кунларда кексалик гаштини сураётган бу нуроний отахоннинг босиб ўтган ҳаёт йўли ёшлар учун айниқса ибратлидир.

Ҳ. НУЛДОШЕВ,
ветеран педагог, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

СУРАТДА: Иброҳим Тоҳировни (учинчи қаторда чапдан тўртинчи) кўриб турибсиз, сурат 1924 йилда олинган.

Ибратли умр

Умр дафтарининг етмиш беш саҳифасини варақлар эканмиз, унинг ҳар бир вараги бир олам мазмун ва бир олам қувончга тўла. Инсон бундай табаррук ёшга етганда бошидан кечирган энг яхши қувончли кунларини сарҳисоб қиладн. Бу даврда у кечирган машаққатли кунларга кўп эътибор бермайди-да, фақат олижаноб сонияларни эслайди. Шаҳримизнинг кўпминг кишилик педагоглари орасида Каримжон Расулов деган ўқитувчи бор. У киши бугунги кунда ана шундай табаррук ёшга етди. Шаҳримиз фарзандларини тарбиялаш, ўқитиш, вояга етказишдек хайрли ишда олтмиш йил парвона бўлди. Демак, у бу даврда ўнминг марталаб синф хоналарига кирди, минглаб болаларнинг бошини силади, эгаллаган билимини уларга садоқат билан ўргатди.

Карим ака Собир Раҳимов районидаги Шастри номидаги 24-ўрта мактабда жуда узоқ йиллардан буён меҳнат қилмоқда. Меҳир педагог директорлик давомида ишлаганида педагогик коллектив шаклланди, ёш авлодни ўқитишга доир методик тажрибалар шу ерда жамланди, шаҳар ўқитувчиларининг кўплаб йиғинларн ҳам ана шу ерда ўтказиладиган бўлди.

Бугунги кунда кексалик ва бахтли турмуш нашидасини сураётган олижаноб инсон Карим ака Расулов шогирдлари билан тажрибаларини бажонидил ўртоқлашади, ҳаётда кўрган-кечирганларини ибратли ҳикоя қилиб беради.

— Фарғона педагогика институтини битирганимдан кейин саводсизлик курсларини ташкил этиш ишига киришиб кетдим. Хотин-қизларни ўқишга, меҳнатга жалб этиш осон бўлган эмас. Социализм ғалабаларини мустаҳкамлаб турганимизда ватан бошига кулфат тушди. Фашизм Германияси хиёнаткорона бостириб кирди. Жангга отландим.

Тошкентлик ёш педагог урушни Узоқ Шарқдаги фронтларда ўтказди. Совет Армияси ғалаба қилганидан кейин яна она шаҳрига келиб педагогликни давом эттирди. Унинг кўксини Ленин орденн ва бошқа қатор мукофотлар безаб турибди.

Табаррук отахон минг-минглаб ўқувчиларни тарбиялаб вояга етказган бўлишига қарамай, ўз хонадонида ҳам мураббийлик бурчини садоқат билан ўтамоқда. Унинг хонадонида ҳар куни бир ажойиб фазилат намоён бўлади.

Биринчи бўлиб ота ҳузурига унинг касбини эгаллаган ўқитувчи Раҳимжон кириб келади. Шундан кейин остонада юрист-экономист Абдусамад пайдо бўлади. Яна орадан бироз вақт ўтиши билан экономист ўғли Абдувоҳид салом бериб кириб келади. Мунира эса эндигина мактабдан ёки боғчадан қайтган бўладн. Онла аъзоларн давра қуриб ҳаётдаги энг яхши кунларни, ибрат олса арзийдиган кишиларнинг номларини ҳурмат билан тилга олишади.

Тошкентдаги оддий бир совет оиласининг фаолияти, эришган обрўси ва кундалик жўшқинлиги Каримжон ака Расуловнинг хонадонида яна ҳам яққол кўзга кўринади.

Муқаббат РАСУЛЕВА,
меҳнат ветеранн.

ТАЪЗИМ

Ўқитувчи, педагог, муаллим, мураббий, устоз... Бу сўзларнинг ёзилиши турлича бўлса ҳам бир хил маъно касб этади. Бу ном эгаллари яратувчилардир. Ҳаётимизда яратилган ва яратилаётган барча меҳнат маҳсули улар туфайли. Улуғ Алишер Навоий ва Улуғбекларни ҳам ёзиш-чизишга ўргатган, уларнинг теран фикрларига сайқал бериб буюкларн шоҳсупасидан жой олишларн устозлар меҳнатидан эмасми?

Шунинг учун ҳам жамиятимизни ўқитувчиларсиз тасаввур этиш қийин.

Мен ҳам ўз ҳаётимни шу касбга боғлаб, бахтимни шу йўлдан топдим. Эсимда, бундан 60 йил илгари инқилоб берган саодатдан янги очилган мактабга илк қадам қўйганимда мени ҳам устозлар қаршилаган эди. Атрофда очлик, юпунлик ҳукм сурса-да, улар келажакка қаттиқ ишонч билан ҳалол ишлаш ва яшашни ўргатишди. Устозлар ўгити қалбда жо бўлди. Ўқитувчиликка ҳавас ва бутун борлиғимни жамиятимиз учун муносиб авлод тайёрлашга бағишладим. Юзлаб ёшларга устозлик қилдим.

Бугунги тўкин-сочинлик, файзли кунларда кўз ўнгимдан доимо устозларим — Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тўйчи Тошмуҳамедов ўтади. Уларнинг ажойиб инсоний фазилатларини эътиқод эслайман. Айниқса ана шундай эъзозли кишиларимдан бири Ленин ордени кавалери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Раҳим ота Сиддиқовни эсласам юрагим жунбушга келади. У киши қозир 90 баҳорни кўрсаларда, ҳамон тетиклар. Шогирдлари даврасида пиру бадавлатлик гаштини сураяптилар. Ветеран педагог билан суҳбат қурмоқчи бўлсангиз, уйдан топиш қийин. У киши ё мактаб ўқувчилари, ёки ишчи-ёшлар даврасида бўладилар. Мураббийнинг бундай хайрли ва эзгу ишларини кўриб, таъзим этгим келади.

Ф. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

ДАВР ТАҚОЗОСИ

Ўқитувчи... Бу сўз замирида олам-олам маъно мужассам. Бизни илк билимлар оламига олиб кирган ҳам, она-Ватан, меҳр-муҳаббат сўзларини ёзишни ўргатган ҳам биринчи ўқитувчи. Биз бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган Эргаш ака Пўлатов 31 йилдан бери ўқитувчиликни эъзозлаб келаётган фахрли касб эгаларидан биридир. У шаҳримиздаги 141-мактабда тарих ва жамиятшунослик фанларидан дарс бериш билан бирга, район халқ маорифи бўлимида фаоллик кўрсатиб келяпти. Маҳоратли педагог, меҳрибон устозни халқ маорифи ходимлари яхши биладилар.

Ҳақиқатан ҳам уни ўз касбининг фидойиси, дейиш мумкин. Ҳозирда мураббийнинг ўнлаб шогирдлари устози йўлидан бориб, ёшларга илм бериш, уларни коммунистик руҳда тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Масалан, Шоира Маликова 136-мактаб директори, Шуҳрат Азимов — химия фанлари кандидати, Шоанвар Шоалимов иқтисод фанлари доктори, яна бир шогирди Шавкат Алиев эса медицина фанлари кандидати.

Партия ва ҳукуматимиз ўзининг ҳалол меҳнати билан эл назарига тушган устозни муносиб тақдирлаган. У «СССР халқ маорифи аълочиси», «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси» нишонлари билан тақдирланган. «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери, Ўзбекистон ўқитувчилари съездларига бир неча марта делегат қилиб сайланган.

У киши билан байрам арафасида учрашдик. Суҳбатимиз маориф ҳақида, ёшларни тарбиялашда вужудга келган бугунги кун талабларн ҳақида, айниқса умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини амалга тадбиқ этиш ҳақида борди.

— Мактаб ислоҳотини тезроқ ва давр тақозоси даражасида амалга ошириш халқ маорифида муҳим босқичдир, — дейди Э. Пўлатов. — Албатта бу ўқитувчиларга катта масъулият юклайди. Районимиздаги мактабларнинг деярли барчасида ислоҳот талаблари асосида тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, 82, 38, 41, 59, 84, 186- ва бошқа ўнлаб ўрта мактабларда янги ўқув йилидан бошлаб олти ёшлилар учун махсус синфлар ташкил этилди. Бошланғич синфларнинг ўқитувчилари малака ошириш институтларида ўқиб келишди. Шунингдек, ўқувчиларнинг физика ва математика фанларини яхши ўзлаштиришлари, пухта эгаллашлари учун кўплаб мактабларда кабинетлар электрон-ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланди.

Ҳа, бир сўз билан айтганда Эргаш ака сингари қалб қўрини ёшларга бераётган биринчи ўқитувчиларимизга таъзим этамиз.

М. САЙДАЛИЕВА,
М. РАҲМОНОВ.

Ҳикматли гап

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР

ҲАЛОЛЛИК — ГЎЗАЛ ХИСЛАТ

● Бахтни ҳалол меҳнат билан топган одам озор чекмай, кексайганда ҳам ҳаёт лаззатини беминнат татийди.

● Қалби пок одамнинг дилида гина-қудурат илдиз отолмайди.

● Чин инсон ёмонлар бўҳтон қилганда ҳам тўғри йўлдан адашмай бораверади.

● Одам умр мазмунини билай деса дастлабдан мана буларга амал қилиши керак: болалик пайтида—ёшликни, ёшликда — етуклик пайтини, етуклик пайтида — қариликни, умрининг сўнггини ўйлаб иш тутади.

● Сувнинг тозаси, одобнинг хилими яхши.

● Тилингни аччиқ сўзлашга ўргатма, тиғ бўлиб юракларда ўчмас из қолдиради.

● Умрингда доим вақтни қадрлагинки, гул очилгач ғунчаликни йўқотиб, охири хазон бўлади.

● Яхшилик қилишдан ҳеч қачон чекинмагин, ақлли одамлар бу фазилатни ҳаёт гулдастаси дейишган.

● Ўзи тўғри бўлмаган одам бошқаларга ҳам эгри кўз билан қарайди.

● Ҳалоллик, тўғрилик, поклик — одамийликнинг энг зарурий мезонидир.

ҲИКОЯТ: Бир донодан сўрашди:

— Бахт-саодатга эришишнинг омили нима?

— Ҳаракат, — деди доно.

— Ҳаракатнинг маъноси нима?

— Меҳнат.

— Меҳнатдан нима унади?

— Ризқу-рўзи... Бу, ҳаётда яшашнинг озиғи, келажакнинг чироғи.

НАҚЛ: Ҳаракатдан — баракат, ётиб еган — фалакат.

● Сабр-қаноат — доноларга фазилат.

● Беҳуда ҳаракат қилган одам — нодонга сўз айтгандек, ҳеч бир натижага эришмайди.

● Сўз — дурдона, уни одамларга гулдаста қилиб тут.

БИР ДОНОНИНГ УМР МАЗМУНИ ҲАҚИДАГИ НАСИҲАТЛАРИ

Болалик йилларингни ўйинқароқлик билан ўтказаётганингда ҳам ақл-идрок эгаллаб боргинки, ўсмир бўлганингда довдир-лақма бўлиб қолма.

Ёшликда ҳаётнинг нима эканини тушуниб фанларни эгалла, билган-ўрганганларингни ҳаётга этишни ўйла. Донолар айтадилар: ёшликда ўқинг—тошга ёзганинг, қариганда ўқиб-ўрганганга ёзганинг. Шундай экан, ёшликдан ҳаёт билимлм сирларини ўрганиб олсанг, улар сенга бир умр бўлади.

Етуклик ёшингда, токи кексайишга қадам қўлдин жўшқин меҳнатинг билан яхши ишларинг, вазифаларни адо этиб ол, ўзингга ва ўзгаларга бойликларни яратиб, ҳамманинг олқишини ол.

Кексалик ёшига етганда, куч-қувватдан қола ганда ҳеч қачон тушкунликка берилма, ҳаётдан ни узма, яхши орзулар билан руҳингни обод қ ҳаёт ўзи олға чорлайди. Умрингда қанча қилган бўлсанг, улар сенга мадад бағишлаб, куч қўшади. Одамлар, қари бор уйнинг — зиёсендан ҳаёт, яшаш, умр сабоқлари ҳақида пандлар кутади. Доно гапларинг, насиҳатларинг, ўғирақларинг ёш-яланғларга ибрат бўлади, уларга бағишлайди.

Бирор манзилга борадиган одам йўл юриб-йўбради-да, маълум бир жойда тўхтаб ортига қ Шунда: «Хўш, қанча ва қанақа йўл босдим», деб разм ташлайди. Инсон боласи ҳам умр ўтган сар бот ўз ҳаёт йўлига назар ташлаб қўйиши, шунда ларда: «Хўш, мен ҳаётга келиб қандай яшадим, га нима яхшилик қилдим?» деб ўзича ҳисоб-китоб ши, шулардан умр хулосасини чиқариши керак.

● Кимки ўзгалар бахти учун ҳаракат қилса, бахт топади.

● Ким бировни алдамоқчи бўлса, ўзини алдалади, зеро қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам ди-да.

● Бир доно шундай деган экан:

— О, одамлар, одамлар! Бойлик, мол-мулк ҳирс қўйманглар, дунёда энг катта бойлик — ликни асранглар!

Абдураҳим УМАРОВ,



«Тўғилган куннингиз билан, бувижон».

Ҳ. Мирзакаримов фотоэтюди.

Муродилло чинор

Эссе

Тангадек офтоб тушмайдиган сўлим жойда самарқандлик ҳамроҳим билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. У сўзамол йигит экан. Нима тўғрисида гапирса воқеа ичига кириб, тилга олган одамининг қиёфасига ўралиб олгандек ўшанинг ўзи бўлиб сўзларди.

— Бизнинг қўшни маҳалладаги бир ҳовлида катта чинор ўсади. Унинг исми «Муродилло». Ҳа, чинорнинг исми шундай. Энди сиз эшитиб туринг, мен сўзлаб берай...

— Чинорнинг ҳам исми бўладими? — деган ажабланишимиздан жаҳли чиқади унинг. Ҳай, майли, қулоқ соламиз.

— Шу чинорнинг экилганига роппа-роса қирқ беш йил бўлган. Уни ҳарбий хизматга чақирилган Муродилло исмли йигит 1942 йил кўкламида экган. Еш рафиқаси Санобарга: «Мен келгунча чинор билан ҳамдамлашиб турасан», деган Муродилло...

Ҳикоясини эътибор билан эшитаётганимни ҳис этган ҳамҳонам (биз бир ҳафтадан бери санаторийда бирга дам оламиз) овозини гоҳ пасайтириб, гоҳ кўтариб шундай берилиб сўзлардики, вужудим қулоққа айланиб қолгандай эди.

— Муродилло урушдан қайтиб келмади. Унинг ўрнига Белоруссиядан қорахат келди. Ўшанда бир ойлик ўғилчасини бағрига босган ҳолда Санобар қорахатни қўлида ушлаб чинор ёнига борди. У сарвиқомат ёш дарахт рўбарўсида тўхтаб ундан сўради:

— Қани, тилга кириб айт, чинорим, энди нима қиламиз?!

Чинор силкиниб қўйди. Сурхнавдали шохларини эгиб: «Бардам бўл бекам, бирбиримизга ҳамроҳ, ҳамдард бўлиб яшаймиз, бизни дунёда яшатиб қўйган Муродилло исмини ерда қолдирмаймиз. Узингни эҳтиёт қил, қўлингдаги гўдагинг мен каби томир отиб, шохласин», дегандек туюлди. Санобар чинорнинг бақувват танасини силади, шу қўллари билан ўғлини бағрига босди...

...Орадан қирқ беш йил ўтди. Чинорнинг паҳлавон танаси тўрт томонга шох ёзиб бу ҳовлига ором, тароват бағишлаб турибди. Мурғаклигида чинор танасини ушлаб улғайган Муродиллонинг ўғли Едгорали, мана бугун катта оиланинг отаси, катта боғнинг боғбони.

— Отанг боғбон эди, сен ҳам шу касбни қиласан, фарзандларинг ҳам боғ ўстирадилар, сизларнинг боғларингиз оталарингизга қўйган жонли ҳайкалларингиз бўлади, — деган эди Санобар ая. Улар она сўзини қулоққа олиб, оталари руҳини шод этиб, йил сайини боғга боғ қўшдилар.

Санобар ая кенжа невараси билан ўша қадрдон ҳовлисида яшайди. У ҳар куни тонгда туриб юз-қўлини ювиб чинор қаршисига келади. Унга салом беради, «яхши ётиб-турдингизми?» — деб ҳол-аҳвол сўрагандек бўлади.

Чинор тагига Санобар ая буйруғи билан катта сўри ясатилган. Ёз кунлари шу ерда ўтиришади. Меҳмонларга чинор ҳикояси сўзланади. Санобар ая чинорнинг ҳар бир япроғини алоҳида ҳурмат-муҳаббат билан таърифлайди. Охири қорахат олган кунда айтган сўзини таъкидлайди.

— Ҳа, урушганингни номи ўчсин!

Чинор шохига илинган беланчакда Муродилло ва Санобар аяларнинг ўн еттн невараларн, тўрт чеварали ўсиб улғайди. Эмаклаб келиб чинорни ушлаб ўрниларидан турганиданми ҳамма фарзандларнинг қомати чинордек бардам-бақувват ўсиб-улғайишмоқда.

Ҳар байрам чинорнинг таги гавжум бўлиб кетади. Невара-чевералар, келин-кеваглар ёнига қўни-қўшнилар, асо тутган мўйсафидлар (Муродиллонинг дўстлари), қариндош-уруғлар йиғилишади. Бош мезбон Санобар ая уларни очиқ чеҳра билан кутиб олади. Ҳамманинг тилида икки оғиз сўз: — «Муродилло чинор...»

Ҳамхонам ҳикоясига нуқта қўйишдан олдин шундай деди:

— Мен ҳам байрамларда қўшнича ўша ерда бўламан. Ёшларнинг қийқириғи кексалар сўзига қўшилиб қулоқларим остида жаранглайди. Қувончга тўла овозлар кечга бориб маъюс, аммо қудратли нидога айланади. Санобар ая йиғинга якун ясайди.

— Бир киши экқан чинор тагида юз киши роҳат қилаяпмиз. Менинг Муродилло исмли Чинор полвоним одамларга ҳамиша роҳат, фарогат бахшида қилсин. Бугунги келинчаклар менинг тенгдошларим сингари чинорларидан айрилмасинлар!

Мен ҳозир гўё ўша чинор тагидаман, бу гаплар менга урушин лаънатловчи қудратли нидо бўлиб эшитилади.

Салимжон МАҲКАМОВ.

ПЛОВДИВ ЯРМАРКАСИДА СССР КУНИ

ПЛОВДИВ. Болгариянинг Пловдив шаҳрида ўтаётган халқаро техника ярмаркасининг барча меҳмонлари СССР павильони олдига қўйилган қизил рангда ёзилган «1917—1987» рақамларига эътибор бермоқдалар. Бу ерда Совет Иттифоқи куни нишонланаётганлиги боисидан меҳмонлар айниқса кўп.

Виставкада совет автомобилсозларининг энг яхши ютуқларини кўрсатувчи экспонатларга алоҳида ўрин берилган. Бу ерда енгил автомобилларимизнинг сўнгги маркалари ҳам бор, албатта. Томошабинлар ВАЗ-2109 — «Самара», янги «Москвич» — «Алеко-141», «ЗАЗ-1102», «Таврия» ўрнатилган айланувчи дисклар ёнида узоқ тўхталиб қолмоқдалар. Павильоннинг очиқ майдонида Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган замонавий кучли юк машиналари саф тортиб турибди.

Яраш сиёсати амалга оширилмоқда

КОБУЛ. Маъмурларнинг миллий яраш тўғрисидаги даъватига жавобан яна 20 афғон оиласи чет эллардан ватанига қайтиб келди. Собиқ қочоқларга моддий ёрдам берилди, иш ва уй-жой билан таъминлашда кўмаклашилди.

Аммо халқаро империализм ва регионал реакция қўллаб-қувватлаётган ва йўлга солаётган аксилинқилобчиларнинг ашаддий қисми тинч аҳолини террор қилишни давом эттирмоқда. БАХТАР агентлигининг хабар беришича, Лағмон вилоятида хавфсизлик кучлари талончилик ва қотиллик билан шуғулланган жиноятчи тўдани қирғин ташлаганлар.

НАЖИБ АДР РЕВОЛЮЦИОН КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ САЙЛАНДИ

КОБУЛ. АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб АДР Революцион Кенгашининг Афғонистон пойтахтида бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида Революцион Кенгаш раиси ва Революцион Кенгаш Президиумининг раиси қилиб сайланди.

Х. М. Цамканн Революцион Кенгаш Президиуми раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайланди, деб хабар беради БАХТАР агентлиги.

Юрак кўчириб ўтказилди

ЛИССАБОН. Португалия пойтахти клиникаларидан бирида врачлар юракни кўчириб ўтказиш операциясини муваффақиятли ўтказдилар. Бу галги бемор хирурглариинг 30 ёшли ҳамкасби эди. Бу мамлакатда ўн бешинчи марта юракни кўчириб ўтказиш операцияси бўлди. Барча операциялар яхши ўтди. Аммо операция қилинган кишилардан бири ораден бироз вақт ўтганидан кейин вафот этди. Бунинг боиси шундаки, ана шу бемор врачларнинг тақиқлашига қарамай чекиш ва спиртли ичимликлар ичишни давом эттираверган эди.

Юракни кўчириб ўтказиш юзасидан биринчи операция Португалияда 1986 йил февралида ўтказилган эди. Шу операция «қаҳрамони» қирқ тўққиз ёшли Ева Пинту хоним ўзини яхши ҳис этмоқда.

СУВ ОСТИ ОМБОРИ

Япониядаги Дюба кўлининг суви доимо паст ҳароратда бўлади. Бу албатта мутахассисларнинг назаридан четда қолмади. Улар кўл тубида гуруч омборини ташкил этишни таклиф қилдилар.

Ғалла сув ўтмайдиган қопларга жойлаштирилади. Шунинг учун кўл тубида гуруч уч йил давомида зарарланмай сақланади. Ҳаттоки, унга ҳеч бир ҳашарот тушмайди ҳам. Олимларнинг таъкидлашларича, бундай гуручдан қилинган таом бир мунча мазалироқ бўлар экан, деб хабар қилади Болгариянинг «Орбита» ҳафталиги.

КЎРИНМАС ДЕДЕКТИВЛАР

Буни қарангки, микроблар орқали ҳам криминалистлар жиноятни очиб беришлари мумкин экан. Скотланд-Ярддаги лабораторияда шундай бир микроб топилганки, уни ҳаттоки қалин лупа орқали ҳам кўриш мушкул. Бу микроб бир қанча микробларни бирлаштирган бўлиб, ўзидан билинар-билинмас из қолдирар экан. Ана шу микроблар тезда ўз-ўзидан кўпайиб, криминалистларга жиноятчини топишда ўзига хос белги бўлиб хизмат қилар экан.

ҲАЙВОНЛАР ҲАҚИДА ЎРМОННИ БЎРСИҚҚА ИШОНИШ КЕРАК

Францияннинг «Экспресс» журнали хабарига кўра, чехославакиялик экологлар худди ана шундай қарорга келишган.

Калейдоскоп

Чехославакия Шведиядан бўрсиқларнинг бир қанчасини харид қилиб олиб, уларни унчалик катта бўлмаган қўллар орқали ўтадиган жойлардаги ўрмонга қўйиб юборишган. Олинларнинг таъкидлашларича, бу ҳайвонлар кўп ҳудудларнинг ҳароратини биринчи йўсинда ушлаб турувчи сабабчи бўлар экан. Шу билан бирга улар яшил бойликни яна ҳам яхшироқ парваришлашда хизмат қилиши экан. Кўпгина мамлакатларда бўрсиқлар бундай инсонлардан ҳам яхшироқ баҳарилиш амалда исботланган.

ШАНБА ОҚШОМИ

Даврани кенгроқ олинг

САҲНА САНЪАТИГА МЕҲР

Киев-украин халқи маънияти ва санъатини ўзида жамлаган шаҳардир. Бугунги кунда шаҳарнинг уни «гуллар шаҳри» деб атайди. Бу беҳудмас. Қайси хиёбон, қайси кўчадан юрманг ям-яшил дарахтлар ҳамоҳанг бўлади. Ўзига хос меъморий услубда бунёд этилган ҳар бир маданий масканда эса бу халқнинг азалий анъаналари ва руҳиятига мос дилбандликда қад ростлаган.

Бугунги кунда бу ерда яшовчилар ошa бизгача етиб келган меҳр-муҳаббат ва замондошларимизга нисбатан давом эттирилаётган халқ санъат намуналари, хусусан урф-одатлар, украин халқи босиб ўтган тарихий йўлни революцион йўлни тарғиб этувчи 15 та музей ишлаб турибди. Жумладан, В. И. Ленин Марказий музейининг филиали, Украина ССР халқлари тарихи музейи, Украина ССР тасвирий санъат музейи, Т. Г. Шевченко номидаги адабиёт музейи, Киев-Почерск маданий тарихий қўриқхонаси, «Соя музейи» тарихий-меъморий қўриқхонаси ва бошқалардир. Бундан ташқари 150 та кўчма кино ускуналари, 10 та маданият саройи, 9 та махсус спорт мактаблари киевликлар хизматида.

Бу шаҳарни театр санъатисиз тасаввур этиш қийин. Ҳозирда пойтахт театр мухлисларига 7 та профессиональ ижодий коллектив маданий хизмат кўрсатмоқда. Албатта, улар ўз жанрлари ва томошабинлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, шундан 2 таси — музикали, 2 таси — драма, 1 таси —болалар драма театри, 1 таси қўғирчоқ ва яна 1 таси Иттифоқимизда биринчилар қаторида очилган «Радуга» номли миллий эстрада театри ҳисобланади. Киевда ҳам Тошкентдаги каби учта академик коллектив бор. Булар украин халқининг отаҳи фарзанди, реалист-демократ ёзувчи, драматург Т. Г. Шевченко номи билан аталувчи опера ва балет театри, шоира ва драматург Леся Украинка номидаги рус академик драма театри ва ниҳоят нафақат Украина, балки Иттифоқимиз адабиётида муҳим босқични эгаллловчи хассос драматург Иван Франко номидаги Украина Давлат академик драма театридир.

Киев саҳна санъати унинг репертуари доимо замон руҳи ва талаблари асосида янгиланиб, бойиб бориши билан эътибор касб этади. Бир театрда ижро этилаётган асарини фақат шу саҳнадагина кўриш мумкин, холос. Чунки ижодий коллективлар иложи борича репертуар сиёсатида бир-бирини қайтармасликка интилади. Шунинг учун ҳам украин томошабинлари саҳна ижодкорларини эъзозлайдилар, уларнинг ҳар бир янги асарини ҳурмат билан қаршилайдилар. Бу ерда ҳар бир премьера мухлислар байрамига айланади.

Бундай тадбирлар, айниқса Леся Украинка номидаги академик драма театрида маъроқли ўтади. Чунки — бу коллектив, мана, 60 йилдан буён ўз томошабинларига ҳаёт ҳақиқатини реал саҳналарда, бадиий образлар орқали намойиш қилиб келмоқда. Театрнинг репертуари миллий классикага мойил бўлса-да, уларнинг ҳар бири бугунги кун муаммоларини бош планда ифодалайди, кишиларни йиллар давомида ўйлантирадиган, ҳаяжонга солиб келадиган гапларни миллионлар муҳокамасига ташлайди. Бугунги кунда мана шу вазифаларни театр репертуаридаги М. Горькийнинг «Қуёш болалари», Л. Украинканинг «Тош ҳукмдор», А. Островскийнинг «Ҳар тўкисда бир айб», Л. Толстойнинг «Тирик мурда» ва бошқа кўпгина спектакллар тўла маънода бажариб келяпти. Театрнинг Э. Опалова, А. Решетников, А. Роговцева, Д. Франко ва А. Таршин сингари санъаткорларнинг ҳар бир чиқишини санъат мухлислари орзиқиб кутишади.

Ижодий коллектив 1926 йилда Ленин номидаги иккинчи Украина Давлат драма театри базасида ташкил этилган эди. Бироқ бу труппанинг илк изланишлари 1891 йилга бориб тақалади. Леся Украинка номи эса коллективга 1941 йилда берилган.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ



Шаҳримиздаги Чорсу майдонида очилган янги китоб магазинида Ўзбекистонда Украина адабиёти ва санъати кунларига атаб турли кўргазмалар ташкил этилган. Шу билан бир қаторда у ерда қардош республика нашриётларида чоп этилган ранг-баранг китоблар сотилмоқда.

СУРАТЛАРДА: китоб магазинида.

М. Нуриддинов фотолари.

Павло ТИЧИНА

Майдонда

Черков ённ, майдон ичра
Кўтарилди инқилоб.
— Атаманн бўлсин чўпон
Халқ қилар шов-шув хитоб.
— Қани от мин!
Шайлан йўлга...
Эрк билан бизни кутинг.
Ғала-ғовур эл қўзғолди,
Байроқ кўтариб ўтинг!
Оналар турар мунгли
Ичда ўқишар дуо:
Ерқин кўзли ой, тўккин
Булар йўлига зиё!
Майдонда шовқин тинди,
Нари кетди кун,
оқшом,
Тун.

Оксана СЕНАТОВИЧ

Узатсам-ку қўлим

Сени енгмоқ учун бағоят
Юз ҳўкизни қўшга қўшарман.
Ер ҳайдашга тонгдан тушарман.
Ўшанда ҳам эгмагайсан қад.
Эшитгин деб юракда нолам
Чил-чил қилдим қанча пиёлам,
Яллиғланди кўзимда алам.
Одам ўз одамин ҳеч билмас
экан,
Узатсам-ку қўлим... бас экан.

Онг

Кўргандаёқ асли англади.
Аммо мени таниб билгунча,
Тақдирига амин бўлгунча,
Узи сўзлаб, ўзи тингладн.
Узи ёнди ўз ёққан чўғда
Сўнгги бора захрини сочар...
Мен-чи, сен деб турибман
ночор
Деразангдан тушган ёруғда.

Украин тилидан
САЙЁР таржималари.

Украин дўстимга

Украин, ўзбек номи
Бошланар бир ҳарфдан,
Шу катта оилада
Иноқ нин-оғамиз.
Бепоён Ватанимиз —
Биз Шарқда, Сиз Ғарбда —
Ул Потон кўпригидай
Мустаҳкам алоқамиз
Дўстлик билмас олисни,
Қалб қўмсайди ҳар қачон:
Кўзимизга кўринар
Яшил, чексиз кенг ўрмон.
Тамарахоним куйласа
Жўр бўламиз қадрдон:
«Ах-ха, Галя ва Султон, —
Украина ҳам Ўзбекистон!».
Навоий ғазаллари
Украин жавонида,
Забт этади «Ялла»миз
Киевликлар дилини.
Тарасининг китоблари
Ўзбек хонадонида
Бизлар севиб тинглаймиз
«Мрия» ансамблини.
Биз юракка яқин
Худди қош билан кўздек,
Кел кутамиз эй дўстим
Яқин ҳосил тўйимиз.
Боқсанг пахтазор букун
Ерга қўнган юлдуздек,
Нозу неъматга тўла —
Сенга муштоқ уйимиз.
Украин, ўзбек номи
Бошланар бир ҳарфдан,
Шу катта оилада
Иноқ нин-оғамиз...

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ.



БАРКАМОЛ ДЎСТЛИК

Ровно шаҳри Украина ССР Ровно области марказидир. Аҳолиси 100 мингдан кўпроқ. Ровно кўстар типидаги корхоналари бўлган уезд шаҳарларидан Совет ҳокимияти йилларида республиканинг саноат марказига айланди. Машинасозлик ва металлсозлик заводларида юқори вольтли аппаратуралар, трактор эҳтиёт қисмлари, кимё, нотўқима материаллари фабрикаси, енгил (энгил тола комбинати, тикувчилик фабрикаси) ва бошқа республика аҳамиятига молик саноат корхоналари бор.

Мебель, қурилиш материаллари ишлаб чиқаради. Тайёрланган маҳсулотлар нафақат Иттифоқимизда, Ватанимиздан ташқарида ҳам севиб харид қилинади.

Жумладан, Ўзбекистон завод, фабрикалари ҳам Навоий химия заводи, Навоий ГРЭСи, Тошкент электромеханика заводи, Чирчиқ электрохимпром ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўпгина корхоналаримиз украин дўстларимиз тайёрлаган аппаратуралар, трактор деталларидан ишлаб чиқаришда фойдаланишади. Ровно шаҳрида Лион тўқимачилик комбинати мавжуд. Бу ерда 7 минг хотин-қиз ишлайди.

Ровно — муҳим маданият маркази. Педагогика, сув хўжалиги инженерлар институтлари, Киев маданият институтининг маданий-оқартув факультети, учта техникум, иккита музей мавжуд. Шаҳар кўп тарихий воқеалар гувоҳи. У 1282 йилдан бери тарихда маълум.

Биз ровнолик дўстларимиз билан —тўқимачилик, трикотаж, пойабзал корхоналари ҳамда электротехника жиҳозлари, юқори вольтли аппаратура заводлари билан ҳамкорлик қиламиз.

Микола ВИНГРАНОВСКИЙ

ҲОЛАТ

Она, уфқларга боқасан зор-зор,
Она, тонггача сен бўласан бедор,
Она, уй олдида кутишларинг бор.
Далада ўйноқлар асов арғумоқ,
Далада ўйноқлар, ёллари тароқ,
Далада ўйноқлар кишнаб чопарок,
Тулпорим, покиза ердан еласан,
Тулпорим насибанг қайда, биласан,
Тулпорим, дардингни топиб келасан.
Сен-чи она, уй олдида такрор,
Кутасан, уфққа боқиб интизор,
Кутасан, кутасан тонггача бедор.

НОН

Оламни унутиб, лойларда ётар,
Қадим шумерларнинг ўроғи танҳо.
Асрлар халқим кўз ўнгидан ўтар,
Қора яғринларим силкитиб саҳро.

Курдошим нурафшон апрель тонготар
Кўк сари чўллардан айлади парвоз.

Бизнинг баҳоримиз беэавол баҳор,
Кўзимизни асло беркитмас аёз.

Нон — бизнинг хотирот.

Ўлчанг у билан
Ҳаётни, меҳнатни, чексиз кўк тоқин.
Нон бизни унутмас: топсак ҳам барҳам,
Днепр гувоҳдир знлол сертўлқин.
Бир томчи шабнамга талпинар дунё,
Ризқу рўз аслида зарра, ушоқлар.
Бобокалоним қўли илитган қадим
Олам кезиб юрган тилло бошоқлар.

Нон — бу соч оқимиз,
Нон — бу ҳақиқат
Эътиқод, орзу, дард ҳамда қаҳр.

Деҳқон ва космонавт муҳаббати-ла
У бизни севади,
У — нон, у — меҳр.

Темур УБАЙДУЛЛО
таржималари.

МАЪНАВИЙ ХАЗИНА



Бизнинг асримиз энг катта урушлар ёки атом ва нейтрон асригина эмас, балки турли халқларнинг бир-бирига яқинлашув, танишув асри сифатида ҳам тарихда қолажак.

Бугун ҳар хил миллатлар ўз маданияти, ўз тарихи ва ўз адабиёти билан юзма-юз туришибди. Халқлар ўз миллий онг поғоналарида бир-бир юксалмоқда. Ва шу юксакликдан ўз келажагини, умумбашар истиқболини тобора ёрқин кўрмоқда.

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.
Бошқача йўл йўқ.

Мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар бир куни ҳосил берса, бу ҳосил — биринчи галда — миллатларнинг ўзлигини таниш, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш учун модий ва маънавий хазина бўлиб хизмат қилажак. Чунки бугун иқтисод соҳасида амалга оширилаётган чуқур ислоҳот ва демократизм идеология жабҳасида ҳам ўз таъсир майдонини кенгайтириб бормоқда ва бу мутлақо табиий жараёндир.

Украинада ўтган ўзбек адабиёти ва санъати кунлари бағоҳасида биз кўрган воқеалар, учрашувлар, анжуман ва суҳбатлар ёдимизда ўша улкан жараённинг асосий нуқталари сифатида муҳрланди. Корхона, мактаб, ҳарбий қисм ёки партия қўмиталарида, хуллас қаерга бормайлик украин дўстларимиз, биринчи навбатда, биздаги экология, тил, тарих, миллий маданият тақдири билан қизиқишди. Ўзбек ёзувчиларининг ўтган мажлис ва пленумларида кўтарилган бу масалалар украин зиёлилари учун ҳам долзарб эканлигига шоҳид бўлдик.

Шаҳарлар бўйлаб кезарканмиз, жуда кўп ажойиб одамлар билан танишдик. Очиққўнгил, меҳнаткаш ва ҳокисор одамларни кўрдик. Украин халқи ўзбекларни ниҳоятда самимий, зўр қувонч билан кутиб олди. Бу самимиятга митингларимизда сезилган ортиқча тантаналорлик ҳам халақит беролмади. Ҳатто тантаналорлик керакдек туюлди.

Биз Украина бўйлаб сафар қилиб юрган кунларн «Литературна Украина» газетаси Украина Ёзувчилар союзининг навбатдаги пленуми материалларини чоп этди. Қардош украин ёзувчиларининг бу пленуми украин тилининг тақдири ва уни ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Хуллас, сафар давомида украин юртидан ажойиб таассуротлар олдик. Бу халқнинг ибратли фазилатларини кўрдик.

Муҳаммад СОЛИҲ.

СУРАТЛАРДА: украин дийёридаги учрашувлардан лавҳалар.

Ф. Қурбонбоев фотолари, [ЎзТАГ].



Фахрий солдат билан бир сафда

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, запасдаги оддий солдат Е. А. Ребров СССР Мудофаа министрининг буйруғи ва биноан Қизил Байроқ орденли Қора денгиз флоти ҳарбий қурилиш отрядининг фахрий солдати сифатида рўйхатга олинди. Сержант Н. З. Торибоев командирлик қилаётган бўлинма йигитлари украиналик машинасозлар курувчини ўз сафларига қабул қилдилар. Бўлинма коллективи Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақада мана шу ҳуқуққа эришди.

Ҳарбий қурилиш аълочиси ҳарбий сержант Т. Х. Эрматов фахрий солдат учун белгиланган смена топшириғини бирпнчи бўлиб бажарди. Наманганлик йигит армияда хизмат қилаётганига бир йилдан сал ошди. Наманганли Қора денгиз соҳилига бир бор келган кун хотиралари ҳали Тоҳирнинг ёдидан кетмаган йўқ. Меҳнатсеварлик, юксак шахсий масъулият комсомол аъзосининг ҳарбий ишга тезда кириша кетишига, ўртоқлари ва командирларининг ишончини оқлашга ёрдам берди. Уни рота комсомол бюросининг аъзоси қилиб сайлашдилар. Планни 150—165 процент бажарши тўғрисида биринчи разрядли пайвандловчи Т. Х. Эрматов учун норма бўлиб қолди. Тоҳир қаҳрамонлик ишларни биринчи кундаёқ юксак меҳнат унумдорлигига эришди. Бўлинма жангчилари фахрий солдат сифатида ҳам топшириғини қарийб ярмини айтилган ўтишга тўғри келди. Сафарга кетган харажатлар ўрнини қоплади: иссиқ денгизда мириқиб чўмилиб, қуёшда қорайибгина қолмай, шу билан бирга нафас йўлларидаги сурункали касалликдан қутулишга муваффақ бўлдим, дейди у. Бунинг учун ҳеч қандай дори-дармоннинг ҳожати бўлмади. Қуёш ваннаси, денгиз сувининг

телепрограммалар

Душанба

5 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 Футбол шарҳи. 10.20 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм. «Йилларга тенг кунлар». 1-фильм — «Тарихда биринчи марта», 2-фильм — «Революцион қадам ташланг» («Экран»).

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 «Рус тили». 17.20 «Замондошимиз портрети». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.40 СЕВИМЛИ ВАТАНИМ МЕНИНГ. Фотоконкурс. 18.45 ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ. Академик А. Г. Аганбегян билан суҳбат. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм. «Йилларга тенг кунлар». 1-фильм — «Тарихда биринчи марта», 2-фильм — «Революцион қадам ташланг». 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.10 Экранда — кинокомедия. «Гусар балладаси» («Мосфильм»). 23.45 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 24.00 Биз джаз қўшиқларини куйлаймиз.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика 9.15 «Оталиққа олганларга ишониб, қўл қовуштириб ўтирма». Телевизион ҳужжатли фильм («Укртелефильм»). 9.35, 10.40 Музика. 4 синф. Революцион қўшиқлар. 10.00 Илмий-оммабоп фильмлар: «Актив зона» (Киев), «Ўжар одам» (Минск). 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Информатика ва ҳисоблаш техника асослари. 11.35, 12.40 Музика. 5-синф. Л. В. Бетховеннинг 5-симфонияси. 12.05 ИСТЕЪДОД. Тележурнал. 12.30 «Кемалар пишиқ бўлиши учун». Илмий-оммабоп фильм. 13.10 «Француз тили дарслари». Телевизион бадиий фильм («Мосфильм»). 14.30 Совет поэзияси байроқдорлари. 15.25 Янгиликлар. 15.35 Сенинг ленинча кутубхонанг. В. И. Ленин. «Совет ҳокимияти нима?».



* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 18.50 «Узоқ Шарқ». Киножурнал. 19.00 «НИШОНСИЗ МЕРГАН». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 19.30 Теннис. Дэвис кубоги. СССР—Швейцария терма командалари. Донецкдан кўрсатилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Маша ва сеҳрли мураббо». Мультфильм. 20.45 Футбол шарҳи. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак». 2 ва 3-даврлар. 23.45 Янгиликлар. 23.50 Волейбол. Европа чемпионати. Эркаклар. Финал. Бельгиядан кўрсатилади.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Ўртоқ инспектор, кечиринг». Телефильм («Укртелефильм»). 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 Халқаро врачлар кунига. «Умрнинг давоми». Ҳужжатли фильм.

* * *

16.45 Жамиятшунослик. Олам материалист кўзи билан. 17.15 «Қора сувсар изидан». Телефильм. 17.30 «Қизиқувчилар экрани». Чех ёзувчиси, коммунист Юлиус Фучик ҳақида. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанни ҳимоя қилиш — муқаддас бурч» (рус.). 18.50 «Эртак қандай тўқилади?» Мультфильм. 19.00 Болалар учун. «Бойчечак». 19.30 АХБОРОТ. (рус.). 19.50 Адабий театр. Ҳ. Олимжон. «Роксананинг кўз ёшлари». 20.10 «Миллионлаб тўйлар бўляпти, болалар нени?» Ҳужжатли фильм («Қозоқтелефильм»). 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Концерт. 21.20 ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. («Ўзбекфильм»). 1-серия — «Шоирнинг қалби» 23.10 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Жума

9 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Каспий — дўстлик денгизи». 10.15 «Дон Кихот». Бадиий фильм. 11.50 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 Ю. Яковлев қаҳрамонлари экранда. «У ҳақиқий қарнайчи эди» («Экран»). 18.00 «МАҚСАД ЙЎЛИДА... СИБИРЬ ФАНИ ХРОНИКАСИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 19.05 «Қария Мекке ва қора баҳайбат». Мультфильм. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.35 «Нима учун Надсон?». Телевизион ҳужжатли фильм (Пермь). 19.55 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Мактаб ёшидаги болалар учун ўйинлар». Бадиий фильм («Таллинфильм»). 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 МУАММОЛАР — ИЗЛАНИШЛАР — ЕЧИМЛАР. «Аҳоли пул жамғармаларининг янги шакллари». 23.00 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.15 Тунги информацион-музикали программа.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «ИШОНЧ ДАЛАСИ». Ҳужжатли фильм (Украина хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси). 9.35 10.40 Тарих. 4-синф. Крепостнойлар қишлоғида. 10.00, 14.20 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.30 Илмий-оммабоп фильм. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. М. Шолохов. «Очилган қўриқ». 11.35, 12.40 А. С. Пушкин. «Тақводор Олег ҳақида қўшиқ». 5-синф. 12.05 Кураш ва нарозилик қўшиқлари. 13.10 «Ўғай ота». Бадиий фильм. 14.50 Янгиликлар. 15.00 КАРЕЛИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.



18.35 Янгиликлар. 18.45 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». К. Сен-Санс. Фортепьяно ва оркестр учун 2-концерт. 19.30 9-СТУДИЯ. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бобомнинг сурнайи». Мультфильм. 20.45 Реклама. 20.50 Ритмик гимнастика. 21.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 Эзувчи Юрий Герман ижоди саҳифалари. 23.05 «УЧРАШУВ». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦНФ»). 23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тонгги тароналар». 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 Ўринбосарлар учун мокда. «Саломатлик сабоқлари». Ҳужжатли фильм.

* * *

16.45 «Дўстлик кўприклари». Телефильм. 17.30 «Нижегород қошиқчилари». Болалар учун фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дўстлик фестивали». 18.45 «Ижоднинг айёми». Ҳужжатли фильм. 19.00 АГРОСАНОАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси саҳифаларида. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Классик қўшиқлар ва романслар. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.00 1987 ЙИЛНИНГ «ОҚ ОЛТИН»И. 22.20 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Шоирнинг қалби». 23.25 Кўрсатувлар программаси.

● ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Сешанба

6 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм. «Йилларга тенг кунлар». 1-фильм — «Тарихда биринчи марта». 2-фильм — «Революцион қадам ташланг», 3-фильм — «1918. Кўклам». 12.25 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 16.50 «Онамларнинг мактаби». 17.20 ҚАЙТА ҚУРИШ. ТАЖРИБА ВА МУАММОЛАР. Ҳужжатли фильмлар. 18.00 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув. 18.30 Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати В. Готовцева ижро этади. 18.45 ИНСОН ВА ҚОНУН. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 Киноафиша. 20.15 Халқаро конкурслар лауреати М. Безверхний чалади (скрипка). 20.35 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм премьераси. «Йилларга тенг кунлар». 3-фильм — «1918. Кўклам». 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 Германия Демократик Республикасининг миллий байрами — Республика эълон қилинган кунга. ГДР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 23.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.30 ГДРнинг музикали, эстрадаси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Ялпи маҳсулот ва коленвал». Телевизион ҳужжатли фильм (Саратов). 9.35, 10.35 Физика. 10-синф. Электромагнитизм қонунлари ва уларнинг қўлланилиши. 10.05, 15.35 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Умумий биология. Биоэнергетика. 11.35, 12.40 Биология. 5-синф. Усимликлар ҳужайраси. 11.55 «Рус тили». 12.25 «Учрашув жойини кўрсатиб бўлмайди». Илмий-оммабоп фильм («ЦНФ»). 13.00 «Отангнинг уйи». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 15.25 Янгиликлар.



* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 19.45 ...16 ЕШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Маша қандай қилиб ёстиқча билан аразлашиб қолди». Мультфильм. 20.45 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «Алвасти боғи». Бадиий фильм (Рига киностудияси). 23.40 Баскетбол. СССР чемпионати. Эркаклар. «Жальгирис» (Каунас) — «Спартак» (Ленинград). Вильнюсдан кўрсатилади. 00.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тонгги тароналар». 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 «Лирик миниатюралар». Музикали телефильм («Укртелефильм»).

* * *

16.45 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида (рус.). 17.15 «Комарики» Болалар учун фильм-концерт. 17.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. СССР Конституцияси — ҳаётимизнинг Асосий Қонуни. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Узум данаги». Ҳужжатли фильм. 18.25 «Ижод саҳифалари». Леся Украинка. 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Черноморец» (Одесса). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — АХБОРОТ. (рус.). 20.50 АХБОРОТ. 21.10 Кичик концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 1987 ЙИЛ «ОҚ ОЛТИН»И. 22.25 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия — «Шоирнинг қалби». 23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Шанба

10 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «АБВГДейка» 10.05 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 10.20 «Чашмалар». 11.10 Олтойда Шукшин кунлари. 12.10 Ленин мукофоти лауреати, профессор Г. А. Илизаров ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Свердловск). 12.40 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. 13.05 ҲАМДЎСТЛИК. Тележурнал. 13.35 «Жонли табиат». 14.35 «Новаторлар ва консерваторлар». Маданият ёдгорликларини муҳофаза этишда қўлланиладиган янги ўта чидамли қопламалар ҳақида. 15.20 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 15.35 Константин Ваншенкин асарлари. 16.25 «АННЕ ВЕСКИ». Фильм-концерт премьераси (Таллин). 16.50 Мультфилмлар: «Кичик компания учун катта сир», «Мушук билан кучукдек...»

* * *

17.25 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VII халқаро фестивали. Испания намойиш этади. 17.55 «ГАННА САМУТИНА, АВТОПОРТРЕТ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев) 18.25 Давлат Марказий концерт залида Озарбайжон ССР санъат усталари ва ижрочи ёшларининг концерти. 19.40 «ҚАРАНГ КИМ КЕЛДИ?», В. Маяковский номли Москва академик театри телевизион спектаклининг премьераси («Экран»). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «ҚАРАНГ КИМ КЕЛДИ?» фильм-спектаклининг давоми. 23.30 Янгиликлар. 23.40 Эстрада концерти. 00.40 «Эҳ, сиз, ота-оналар!». Катталар учун мультфильм. 01.00 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР —ГДР терма командалари. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Ҳужжатли фильм. 9.35 Ритмик гимнастика. 10.05 «Жаҳон бадиий маданияти». А. Толстой. Асарлари саҳифаларида. 10.50 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 11.20 «Филоф остида». Қўпорувчи клерикал «Крестон-колледж ташкилоти эмиссарларидан бири Д. Джеймснинг барбод бўлиши ҳақида». 12.00 СИЗ ЯРАТГАН БОҒ. 12.30 Чех филармонияси — ёшларга В. Калабис. 2-симфония. 13.20 «Офицерлар». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия). 14.50 «Таллиннинг музикали манзаралари». Таллиндан кўрсатилади. 15.10 Экологик кундалик. «Ов». 15.40 Телевизион театр таклиф этади. Ж. Сименон. «Мегрэ иккиланяпти». Телевизион спектакль. 1 ва 2-сериялар. 18.35 «АСРОВЧИЛАР». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 19.20 «Томчи», Мультфильм. 19.30 Замондошларимиз музикалари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кўринмас қалпоқча». Мультфильм. 22.45 ЗДОРОВЬЕ. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «Мавзу». Бадиий фильм («Мосфильм») 23.50 Янгиликлар.



● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Қўли гул кишилар». Телефильм 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 9.00 Врач маслаҳати, 9.10 «Музикали палитра» (такрорий). 9.40 «Украина кинематографчилари — студиямиз меҳмони». 10.25 «Оққушлар учмоқда». Бадиий фильм. 11.45 Орган куйларидан концерт. 12.00 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Волгоград Ёш томошабинлар театри (рус.). 13.05 «Футбол ўйинашни ўрганинг». 13.50 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Дунёда чеки йўқ дўстлик бор». Уч қардош республика — Ўзбекистон, Молдавия, Латвия ўртасидаги интернационал дўстлик ҳақида (рус.).

* * *

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Пионерлар мамлакатида». 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Болалинг, очиқчасига гаплашайлик». 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «Олис сон ва табиат», Богча ва мактабда болаларда экологик тарбияни шакллантириш. 20.20 «Нашатыр» сатирик киножурналининг 137-сони. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Дорихоҳангида». Ака-ука Исломовлар ҳақида концерт-очерк. 21.20 ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия — «Ҳақиқат ҳалоб». 23.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Самарқандга йўл». Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган рок музикаси фестивалига бағишланган кўрсатув. 2-кўрсатув. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

● ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Чоршанба

7 ОКТЯБРЬ

● МТ I

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Салом, музика!». 10.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телевизион фильм премьераси. «Йилларга тенг кунлар». 3-фильм — «1918. Кўклам». 11.00 СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГА. Ҳужжатли фильмлар. 11.40 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 12.10 Болалар учун фильм. 13.25 Е. Кисин концерти. 14.05 «Циркни ҳамма севади». 14.35 Шаҳарият лаҳзалари. 14.40 Немис халқ қўшиқлари. 15.05 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 15.20 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 15.30 УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА. Тарихнинг сўнмас сатрлари. «Энг иссиқ ой» («Мосфильм»). 1 ва 2-сериялар. 17.20 СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГА. Музикали программа. 19.10 Мультфильмлар. 19.50 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Мозжухининг дала гвардияси». Бадиий фильм («Мосфильм»). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 Халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивали. «БИЗ — МАМЛАКАТНИНГ МЕҲНАТКАШ ЁШЛИГИ». Ҳунар-техника таълими системаси бадиий ҳаваскорлик коллективларининг якунловчи концерти. 00.35 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Ҳужжатли фильмлар: «Оддий сермашаққат кунлардан бири». (Киев), «Пярну — спорт шаҳри» (Таллин). 10.00 Ритмик гимнастика. 10.30 Болалар учун фильм. «Дўстларга хиёнат қилмайдилар» («Тожикфильм»). 11.35 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». Я. Сибелиус. Скрипка ва оркестр учун концерт. 12.15 От спорти. «Пардубча Стипльчез». ЧССРдан кўрсатилади. 13.00 «Салом, Москва!» Халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивалининг якунловчи кўргазмаси. 13.45 «Спорт ва шахс». Ака-ука Знаменскийлар. 14.15 А. Петровнинг «МАЯКОВСКИЙНИНГ БОШЛАНИШИ» опера-феерияси. Киров номли Ленинград Давлат академик опера ва балет театри фильм-спектаклининг премьераси. 16.00 Киноконцерт. 17.00 «XXI асрга экспедиция». «Келажакдан келганлар». 18.00 «Тулкилар тоғ»



ларнинг талабларига биноан. «Эртага келинг». Бадиий фильм (Одесса киностудияси). 23.40 Олтойда Шукшин кунлари. 00.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Менинг республикам». Ҳужжатли фильм. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Улкан тақдирли шаҳар». Ҳужжатли фильм. 8.10 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Тошкент. 1917 йилнинг октябри» (такрорий). 8.45 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚҚАССР ВА РЕСПУБЛИКА ОБЛАСТЛАРИ БОЛАЛАР БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ТЕЛЕВИЗИОН ФЕСТИВАЛИ. Экранда — Андижон области ёшлари. 9.50 «Улкан, қисқа умр». Бадиий фильм («Ўзбекфильм», рус.). 11.05 «Ватанимни шарафлайман». Ўзбек совет шоирларининг шеърлари асосида композиция. 11.15 Ў. Умарбеков. «Шошма, қуёш!». Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Нурланнинг бахти». Мультфильм. 18.15 «Бизнинг бахтли болалигимиз». Концерт. 19.00 «Ёзувчи ва замон». 19.30 АХБОРОТ. (рус.). 19.50 БУГУН — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Бахт ва шодлик тароналари». Музикали программа. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЕПИЛИШИ. В. И. Ленин номли СССР Халқларн дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

● ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Якшанба

11 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 Ритмик гимнастика. 10.15 «Спортлото» тиражи. 10.30 БУДИЛЬНИК. 11.00 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 12.00 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 12.30 САЁҲАТЧИЛАР КЛУБИ. 13.30 МУЗИКАЛИ КИОСК. 14.00 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 15.00 ЗДОРОВЬЕ. 15.45 Томошабинларнинг талабларига биноан «Довюрак одамлар». Бадиий фильм («Мосфильм»). 17.20 Телевизион танишув. Раймонд Паулс (Эстония телевидениеси). 18.35 Мультфильмлар: «Бўрилар ва қўйлар», «Доно ва эшак» (Грузия). 19.00 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 19.45 «ЎРТОҚ ҚУШИҚ», Киевдан кўрсатилади. 20.30 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Мен унинг келишини истайман». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 БИЗНИНГ УЙ. Тележурнал. 22.45 Останкино концерт студиясида академик Л. Н. Кошкин билан учрашув 24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Зарядкага сафланинг! 9.20 Концерт. 10.05 «Илиқ нур». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран»). 10.55 Маҳон музика маданияти хазинасидан». А. И. Хачатурян. «Спартак» балетидан парчалар. Фортепьяно ва оркестр учун концерт. 11.55 «Рус тили», 12.25 МУРМАНСК ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 13.25 Мамлакат миллий театрлари фестивали. Т. Миннуллин, «Алдермеш қишлоғилик чол». Ғ. Камол номли татар Давлат академик театрининг фильм-спектакли. 15.45 СССР — АҚШ телекўприги, «Марсга биргалашиб учамиз». 17.00 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР —ГДР терма командалари. 2-тайм. ГДРдан кўрсатилади. 17.45 Мультфильмлар: «Эчкича ва хўтик», «Эчкича ва унинг қайғуси», «Ипга тизилган офтоб». 18.10 «Кўҳна Бухоро оҳанглари», Тошкентдан кўрсатилади. 18.25 В. Маяковский ҳақида телевизион ҳужжатли фильм («Экран»). 19.25 Халқ куйларидан концерт. Минскдан кўрсатилади. 19.50 «Каспий — дўстлик денгизи». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ромашковалик паровозча». Мультфильм. 20.45 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VII халқаро фестивали. Испания намойиш этади. 21.15 К. М. Вебер, Гитара ва фортепьяно учун дивертисмент. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОЖЕКТОРИ. 22.15 «Кечки лабиринт». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.25 Янгиликлар.



● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Чинор барглари». Телефильм. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 Ҳужжатли фильмлар программаси. 8.50 Ижодкор ёшлар учун. «Истеъдод». 9.15 «Биргаликда куйлаймиз». Ш. Ерматов, Б. Исроилов. «Октябр байроғи». 9.55 «Бунн биз ўтмаймиз». Бадиий фильм. 11.30 «Шонмат мактаби». 12.00 Болалар учун телетеатр. «Мушукча Мяу». Бухоро кўғирчоқ театрининг спектакли (рус.). 12.50 ЎзТВ фондидан. Ойбек, «Қутлуғ қон». Видеофильм. 1-қисм. 13.55 «Инсон бахтиёрликдан бошланади». 14.30 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Олис жанубда». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун, «Санъат ғунчалари». 18.50 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Сақна усталари», Машҳур Уйғур. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 «Мультипанорама». АХБОРОТ. 20.50 Дала меҳнаткашлари учун концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 20.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия —«Ҳақиқат ҳалоб». 23.15 Кўрсатувлар программаси.

● ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Пайшанба

8 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 М. Якупов куйлайди. Қозонда кўрсатилади. 10.00 «Мозжухининг дала гвардияси». Бадиий фильм. 11.35 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16. 45 «КЕКСА ЖИРАУ ҚУШИҚЛАРИ». 17.20 «Уларга Ватан қанот бағишлаган». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.00 ...16 ЕШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 18.45 НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ. «Қайта қуриш ва демократия». 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 Мультфильмлар. 19.50 Шаҳрият лаҳзалари. 19.55 Экранлаштирилган адабий асарлар. «Дон Кихот». Бадиий фильм («Ленфильм»). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Музика ва биз». 23.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.30 «Каспий — дўстлик денгизи».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Барибир мен сени олиб кетаман». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент). 9.35, 10.35 Табиатшунослик. Бизнинг планетамиз Ер. 9.55 «Энергия йўллари». Илмий-оммабоп фильм («ЦНФ»). 10.05, 14.25 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.55 «Плазма ҳаётидан... бир воқеа». Илмий-оммабоп фильм («КНФ»). 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Физика. Ёруғликнинг тўлқинли ва квант хоссалари. 11.35, 12.40 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 9-синф. Муносабат: фан ва санъат. 12.05 ИСТЕЪДОД. Тележурнал. 13.10 «Олтинчи». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия). 14.55 Янгиликлар. 15.05 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 «Ўғай ота». Бадиий фильм («Қозоқфильм»). 20.00 ҲАМДЎСТЛИК. Тележурнал. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бегемот ва қуён». Мультфильм. 20.45 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.50 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Ю. Розум чалади (фортепьяно). 21.00 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Фридрих Цандер. Қайтиш». Илмий-оммабоп фильм. 22.15 Хоккей. СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Рига). 2-ва 3-даврлар. Танаффус пайтида (22.50) — Янгиликлар.



● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 «Тонгги тароналар». 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!», 8.00 «Киев кўприклари». Ҳужжатли фильм. («Укртелефильм»).

* * *

16.45 Болалар учун фильм. «Бир том остида». 17.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон Улуғ Ватан урушн йилларида. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Аждаҳо ғори». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Подснежник». (рус). 19.00 Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Кулиев чалади. 19.30 АХБОРОТ. (рус.). 19.45 ҚАЙТА ҚУРИШ: МУАММОЛАР ВА ИЗЛАНИШЛАР. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Ў. Нуралиев ва М. Бойматовалар қуйлайди. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 22.15 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Шоирнинг қалби». 23.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Самарқандга йўл». Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган рок музикаси фестивалига бағишланган кўрсатув. 1-кўрсатув. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

● ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Биз 1988 йилда ҳам «Телевидение программалари»ни шу ҳолда, батафсил бериб бориш ниятдамиз. Программаларнинг берилишига доир ўз фикр ва мулоҳазаларингиз бўлса бизга ёзиб юборишингизни сўраймиз.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.